



МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИНГ ЎРНИ

Жўраева Феруза Жумақуловна

Бухоро давлат университети feruzajuraeva@ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a43

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда туризм тармоғининг ўрни тўғрисида фикр юритилади. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси иқтисодиётга салмоқли ҳисса қўшадиган локоматив соҳалардан бирига айланиб бораётганлиги, мамлакатимизда туризм соҳасига иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши ўзининг илк нишонларини кўрсатганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган туристлар асосан тарихий-маданий туризм бўйича ташриф буюрган бўлса, кейинги йиллар мобайнида туризмнинг бошқа турлари, хусусан, туризмнинг зиёрат мақсадида узоқ хориж давлатларидан ташриф буюраётган туристларнинг сонига ўсиш кузатилганлиги берилган. Шунингдек, туризм соҳасини ривожланиши ўз навбатида бошқа соҳаларни ривожланиши билан биргаликда, қўшимча иш ўринларини яратилишига, аҳолининг бандлигини таъминланишига олиб келиши таъкидланади. Туризмнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа секторлари ривожланишининг омили бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги, мазкур тармоқнинг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этиши, Республикамиз миллий иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва роли халқаро туризм соҳасида Ўзбекистоннинг рақобат соҳасидаги устунликлари, халқаро алоқаларнинг ривожланишида бу соҳанинг аҳамияти ва у мамлакатнинг иқтисодий ўсишига кўмаклашиши билан белгиланаши тўғрисида маълум қилинади. Туризм қолган барча тармоқларга кучли кумулятив таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамизнинг туристик мажмуини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, у юксак даражада ривожланган индустрия – халқаро туристик тизимга қўшилишини таъминлаш зарурлиги, уларнинг барчаси туризм соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни талаб қилиши, Республикамиз ҳукумати халқаро ва миллий туризмнинг ривожланишига фаол кўмаклашиб, бу соҳадаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган кўп сонли қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Туризм, хизматлар соҳаси, иқтисодиёт, тармоқлар, туристик фаолият, туризм соҳаси, туристик салоҳият, туризм индустрияси, туристлар оқими, халқаро туризм, виза, локоматив, туристик маҳсулот, ички туризм, туристик салоҳият, гастрономик туризм, туризм статистикаси, меҳмонхона хўжалиги, рақобат, туризм ташкилоти, туризм хизматлари экспорти.

РОЛЬ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ НАШЕЙ СТРАНЫ

Жўраева Феруза Жумақуловна

Бухарский государственный университет Независимый соискатель.

Аннотация

В данной статье рассматривается роль туристической сети в развитии экономики нашей страны. Приводится информация о том, что индустрия туризма становится одной из локомотивных отраслей, вносящих значительный вклад в экономику Республики Узбекистан, и что статус стратегического сектора экономики в нашей стране показывает свои первые признаки. Туристы, посещающие Узбекистан, в основном выезжали с целью историко-культурного туризма, но в последующие годы наблюдается увеличение количества других видов туризма, в частности, количества туристов, прибывающих из дальнего зарубежья с целью паломничества. Также отмечается, что развитие сферы туризма, совместно с развитием других отраслей, приведет к созданию дополнительных рабочих мест и занятости населения. Сообщается, что развитие туризма может служить фактором развития других секторов экономики, что развитие этого сектора имеет важное значение для стабилизации экономики Узбекистана, что место и роль туризма в народном хозяйстве нашей Республики определяются конкурентными преимуществами Узбекистана в сфере международного туризма, значением этого сектора в развитии международных отношений и его вкладом в экономический рост страны. Принимая во внимание, что туризм оказывает сильное кумулятивное воздействие на все остальные отрасли, считается, что сегодня существует необходимость дальнейшего развития и совершенствования туристского комплекса нашей республики, обеспечения его вхождения в высокоразвитую отрасль - систему международного туризма, что все они требуют совершенствования правового регулирования в сфере туризма, что Правительство нашей республики активно поддерживает развитие международного и национального туризма, и что принято большое количество нормативно-правовых документов, направленных на совершенствование деятельности в этой сфере.

Ключевые слова: Туризм, сфера услуг, экономика, сети, туристская деятельность, сфера туризма, туристический потенциал, индустрия туризма, турпоток, международный туризм, виза, локомотив, турпродукт, внутренний туризм, туристический потенциал, гастрономический туризм, статистика туризма, гостиничное хозяйство, конкуренция, организация туризма, экспорт туристических услуг.

THE ROLE OF THE TOURISM ACTIVITY IN THE DEVELOPMENT ECONOMY OF OUR COUNTRY

Juraeva Feruza Jumakulovna

Independent Researcher Bukhara State University

Abstract

This article discusses the role of the tourist network in the development of the economy of our country. Information is provided that the tourism industry is becoming one of the locomotive industries that make a significant contribution to the economy of the Republic of Uzbekistan, and that the status of the strategic sector of the economy in our country is showing its first signs. Tourists visiting Uzbekistan mainly left for the purpose of historical and cultural tourism, but in subsequent years there has been an increase in the number of other types of tourism, in particular, the number of tourists arriving from far abroad for the purpose of pilgrimage. It is also noted that the development of the tourism sector, together with the development of other industries, will lead to the creation of additional jobs and employment of the population. It is reported that the development of tourism can serve as a factor in the development of other sectors of the economy, that the development of this sector is important for stabilizing the economy of Uzbekistan, that the place and role of tourism in the national economy of our Republic are determined by the competitive advantages of Uzbekistan in the field of international tourism, the importance of this sector in the development of international relations and its contribution to the economic growth of

the country. Taking into account that tourism has a strong cumulative impact on all other industries, it is believed that today there is a need for further development and improvement of the tourism complex of our republic, ensuring its entry into a highly developed industry - the system of international tourism, that all of them require the improvement of legal regulation in the field of tourism, that the Government of our republic actively supports the development of international and national tourism, and that a large number of legal documents aimed at improving activities in this area have been adopted.

Key words: Tourism, service sector, economy, networks, tourist activity, tourism sector, tourism potential, tourism industry, tourist flow, international tourism, visa, locomotive, tourism product, domestic tourism, tourism potential, gastronomic tourism, tourism statistics, hotel industry, competition, tourism organization, export of tourism services.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро интеграция жараёнларининг жадаллашуви шароитида туризм жаҳоннинг етакчи стратегик соҳаси сифатида тез суръатларда ривожланмоқда. Туризм соҳаси дунё товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи, даромади бўйича учинчи ўринда туради, туризмнинг дунё ялпи ички маҳсулотигаги улуши 10 фоизга етган¹.

“Туризмда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига тўртки беради. Шунинг учун, кўп давлатлар сайёҳ жалб қилишнинг янги-янги йўллари излаяпти”².

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-моддасида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган.³ Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йилнинг 29 мартида ўтказилган “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари”га бағишланган видеоселектрда “...2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 бараварга ошди (5,2 миллион, соҳа экспорти – 1,6 миллиард доллар). Лекин, салоҳиятимиз бундан 10 карра юқори. Ички туризм дастурлари доирасида 11,5 миллион, шундан 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли, ёшлар ва кексалар саёҳатлари ташкил этилди” – деб, алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Мамлакатимиз ва ҳудудларда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида соҳада янги инновацион, рақобатбардош стратегияларни ишлаб чиқиш, маркетингнинг креатив усуллариغا катта эҳтиёж сезмоқда.

Глобаллашув шароитида туризм корхоналари фаолиятининг самарали стратегиясини шакллантириш туризмда инновацион стратегияларидан

¹ <https://wtcc.org/research/economic-impact>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари”га бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2022 йил 19 сентябрь / Янги Ўзбекистон 2022 йил 19 сентябрь

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.Lex.uz

фойдаланишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Глобал муаммоларни ечиш стратегик маркетингни кенг миқёсда ўрганишни ва ундан фойдаланишнинг самарали механизмини давлат даражасида ҳам, туристик бизнес субъектлари ўртасида ҳам яратишни талаб қилади. Туризм соҳасида стратегик маркетингни ўрганиш зарурияти маркетинг фаолияти соҳасида айрим назарий ва амалий масалаларни ечишни белгилайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг туристик бозорида таклиф қилинаётган хизматларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган тадбирларни стратегик маркетинг ва тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш йўли билан амалга ошириш муаммолари ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2023 йил 26 апрелдаги ПК-135-сон “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 543-сон “2022-2026 йилларда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Туризм соҳасида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари иқтисод фанининг доимий диққат марказидадир. Бу муаммоларни ўрганиш натижалари ўзбекистонлик ва чет эллик олимлар ва мутахассисларнинг назария ва амалиёт масалаларига бағишланган асарларида кенг ёритилган. Туризм соҳасида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш борасида олимлардан А.А.Эштаев томонидан глобаллашув шароитида Ўзбекистонда, яъни мамлакат миқёсида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш, Р.А.Аллаёров томонидан Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегияси борасида илмий изланишлари мавжуд⁴.

Э.Б.Алаев таклиф қилган таърифга кўра, «ҳудуд – ер қаттиқ юзасининг ўзига хос табиий ва антропоген хусусиятлар ва ресурсларга эга бўлган, “макон” ресурсининг алоҳида тури сифатидаги кўламлилиқ (майдон), географик ўрин ва бошқа сифатлар билан тавсифланадиган (чекланган) қисмидир».

Ҳудуд муҳим иқтисодий, географик, ижтимоий, миллий, демографик, тарихий ва бошқа белгиларга кўра бир жинсли эмас ва ҳар бир белги ёки уларнинг уйғунлигга кўра нисбатан бир жинсли бирликларни ажратиш йўли билан таснифлашни талаб қилади. Бунда ҳудудларни ажратиш мезони кўп сонли ранг-баранг атамалар билан

⁴ А.А.Эштаев Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) И.ф.д. (DSc) диссертацияси.Самарқанд-2019.

Р.А.Аллаёров Ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегияси и.ф.б.ф. д. (Phd) диссертацияси.Самарқанд-2023.

ифодаланади: туман, минтақа, зона, ареал, анклав ва б. «Минтақа» атамаси айниқса кўп ишлатилади.

Иқтисодий минтақа тушунчасига берилган таърифларнинг ҳар хиллигига қарамай, бунда деярли барча муаллифлар уч асосий белги: ҳудуд, ихтисослашиш ва иқтисодий алоқаларнинг мавжудлигини асос қилиб олади. Минтақа тушунчасининг мазмуни табиий-ҳудудий, тарихий ва маъмурий чегараларни қамраб олади⁵.

Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида минтақа тушунчасининг барча мамлакатлар учун умумий бўлган таърифи ишлаб чиқилган. У ёки бу ҳудудни нисбатан мустақил бирлик сифатида эътироф этиш имконини берувчи белги сифатида унинг бутун миллий иқтисодиёт билан ижтимоий-иқтисодий бирлиги амал қилади.

Минтақа тушунчасига А.И.Добринин берган таъриф мазкур талқинга мос келади: «Минтақа деганда... мамлакат халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бирлиги ва яхлитлиги билан тавсифланувчи ҳудудий-ихтисослашган қисмини тушуниш лозим».

Ўз навбатида Р.А.Аллаёровнинг муаллифлик ёндашувига кўра, ҳар бир ҳудуд – ҳудудий ривожланиш ва ҳудуд мавқеининг мустаҳкамланишига таъсир кўрсатувчи ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган, табиий, моддий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий ресурслар борасида ўз рақобат афзалликларининг муайян нисбатига эгаллиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга у томонидан ҳудудий маркетингга ҳам изоҳ билдирилган. Р.А.Аллаёровнинг фикрига кўра, ҳудудий маркетинг - минтақада ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларга истеъмолчилар талабини яратиш, қайта шакллантириш ва қондириш жараёнини таъминлайдиган, истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг усуллари, воситалари, тамойиллари ва технологиялари мажмуидир.⁶

Шундай қилиб, минтақа мамлакат ижтимоий-иқтисодий мажмуининг тугалланган такрор ишлаб чиқариш циклига ҳамда ўзига хос тарза кечувчи ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга эга бўлган нисбатан мустақил қисми ҳисобланади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий мажмуининг кичик тизими саналган минтақа иқтисодиёти шу билан бир қаторда бутун тизимининг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Бундан минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг қонуниятларини ўрганиш ва уларни бошқариш механизмининг ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади.

Тадқиқот методикаси.

Мақолада тизимли ва иқтисодий-статистик таҳлил, экспертиза усулида баҳолаш ва экстраполяция, иқтисодий-математик моделлаштириш, маркетинг тадқиқотлари методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам туризм соҳаси иқтисодиётга салмоқли ҳисса қўшадиган локоматив соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги давлат сиёсати тармоқни ривожлантиришга кўмаклашади ва туристик фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратади. Туризм соҳасида бўлғуси фаолиятнинг

5 Горбунов А.Р. Управление финансовыми потоками и организация финансовых служб предприятий, региональных администраций и банков. — М.: АНК ИЛ, 2000. — 111-б.

6 Аллаёров Р.А. Ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегияси. - и.ф.б.ф. д. (Phd) диссертацияси автореферати 13 бет. Самарқанд-2023

асосий йўналиши кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туризм замонавий индустриясини вужудга келтириш, туризмни кенг миқёсда тарғиб қилиш ва бетакрор туристик салоҳиятни яратишдир.

Давлатимиз томондан туризм соҳасида назарда тутган муайян тадбирлар туристик тармоқ ички тузилмасининг ривожланиши, миллий туристик индустриянинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади ва уни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 19 сентябрда “Мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишда давлат раҳбари томонидан мамлакатимизда 2022 йил туризм учун пандемиядан кейин қайта тикланиш даври бошланганини, жумладан, 2022 йилнинг сентябрь ойигача бўлган даврда юртимизга келган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайиб, 3,1 миллион нафарни ташкил этганлиги, йил бошидан туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлганлиги, юртимизга келган меҳмонларнинг саёҳати ўртача 4-5 кунгача, сарфлаган маблағи 305 долларгача кўпайганлиги, ички саёҳат қилувчилар сони ҳам ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни, туризмда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб бориши, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Туризм соҳасини ривожлантиришга йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммолар тўсқинлик қилиб келаётганлиги, бу муаммолар доимий равишда тадбиркорлар, туроператорлар, меҳмонхона хўжалиги ходимлари, соҳа мутахассислари ва илмий ходимлар томонидан доим кўтариб келинар эди. Ўтказилган ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари туризм соҳаси олдидаги 11 та катта муаммолардан 6 таси ҳал қилинганлиги, хусусан:

- 1) Туристларга виза бериш кескин либераллаштирилганлиги;
- 2) Аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилиб, яшил йўлақлар қилинганлиги, вокзалларда ҳам қулай шароитлар яратилганлиги;
- 3) Меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказиладиган бўлди, улар эркин ҳаракатланиши учун ҳамма шароитлар яратилганлиги;
- 4) Валюта айирбошлашда чекловлар бекор қилинганлиги;
- 5) Меҳмонхона ўринлари сони 3 баробарга кўпайиб, 125 мингтага етганлиги;
- 6) Туризм ташкилотлари учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланиб, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилганлиги эътироф этиб ўтилди. Бу эса замоннинг шиддат билан ўзгариб бораётган, туризм бўйича рақобатнинг кучайиб бораётгандаврида жуда долзарб ҳисобланади.

Маълумки, туризм соҳасини ривожланиши ўз навбатида бошқа соҳаларни ривожланиши билан биргаликда, қўшимча иш ўринларинияратилишига, аҳолининг бандлигини таъминланишига сабабчи бўлади. Бу борада давлатимиз раҳбари туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беришига, буни тушунган вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тадбиркорлар билан ишлаб, туристлар келадиган жойларни кўпайтираётганлигига тўхталиб ўтдилар.

Туризм табиий ва маданий-тарихий жиҳатдан диққатга сазовор жойларга эга бўлган ҳудудларда иш жойлари ташкил этишнинг яхши воситасидир. Саноат шаҳарлари одатда туристлар эътиборини ўзига тортмайди. Ўзбекистоннинг туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга бўлган ҳудудлари бу ўтмишда саноат унча ривожланмаган жойлардир (Самарқанд, Бухоро, Хива).

Туризм хизматлар кўрсатиш даражасини қувватлаб, бу ҳудудларда турмуш сифатининг ошишига билвосита таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ҳудудларга тадбиркорларни жалб қилади. Улар бу минтақаларда ўз бизнесини ташкил этади ва шу тариқа бандлик даражасини оширади. Бандлик даражасининг ошиши эса орадан маълум вақт ўтгач ижтимоий дастурларга харажатларни камайтириш имконини беради. Технологияларнинг интеграциялашувидан ташқари халқ хўжалигининг турли тармоқларида банд бўлган ходимларнинг маълумот ва малака даражаси ошиши юз беради. Бунда туризмда иш жойини ташкил этиш қиймати саноат ишлаб чиқаришида иш жойини ташкил этиш қийматининг атиги 40% ни ташкил этиши аниқланган (Европадаги охириги баҳолашлар). Бинобарин, туризмнинг ривожланиши иқтисодийнинг бошқа секторлари ривожланишининг омили бўлиб хизмат қилиши мумкин, зеро мазкур тармоқнинг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодийтини барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз миллий иқтисодийда туризмнинг ўрни ва роли халқаро туризм соҳасида Ўзбекистоннинг рақобат соҳасидаги устунликлари, халқаро алоқаларнинг ривожланишида бу соҳанинг аҳамияти ва у мамлакатнинг иқтисодий ўсишига кўмаклашиши билан белгиланади.

Мамлакатимизда туризм соҳасига иқтисодийнинг стратегик сектори мақоми берилиши ўзининг илк нишонларини кўрсатди. Яъни, ўша 2016 йилнинг ўзида 1,3 миллион нафар хорижий давлат фуқаролари мамлакатимизга сайёҳ сифатида ташриф буюрди. Бу кўрсаткич COVID-19 пандемияси тарқалгунча, яъни 2019 йилда 6,7 миллион нафарга етган эди.

Ўзбекистонга ташриф буюрадиган туристлар асосан тарихий-маданий туризм бўйича ташриф буюрган бўлса, кейинги йиллар мобайнида туризмнинг бошқа турлари, хусусан, туризмнинг зиёрат мақсадида узоқ хориж давлатларидан ташриф буюраётган туристларнинг сонига ўсиш кузатилди. Хусусан, 2018 йилда узоқ хориж давлатларидан 325 минг нафар турист ташриф буюрган бўлиб, уларнинг 35 фоизи, яъни 115 минг нафари мусулмон давлатлардан ташриф буюрган туристлар ҳисобланади. 2020 йилда узоқ хориж мамлакатларидан юртимизга жами 83 минг нафар туристлар ташриф буюрган бўлиб, бунда мусулмон давлатлардан ташриф буюрган туристларнинг сони 49787 нафар (59 фоиз)ни ташкил қилди. Мамлакатимизда шунингдек, туризмнинг гастрономик ва MICE туризм каби турлари ҳам фаоллашиб бормоқда.

Мазкур ташрифлар сонининг ижобий ўсиши, ўз навбатида, туризм хизматлари экспортининг ортишига олиб келди. 2016 йилнинг кўрсаткичлари билан таққосланганда 2019 йилда туризм хизматларининг экспорти 3 бараварга ошиб, 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.


Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишга қаратилган чоралар натижасида, пандемиядан кейин 2021 йилнинг 1 июнь ҳолатига туризм ташкилотларининг сони 2016 йилда 484 тадан 1400 тага, жойлаштириш воситалари 750 тадан 1061 тага (оилавий меҳмон уйи ва хостелдан ташқари), оилавий меҳмон уйлари 106 тадан (2018 йилда) 1729 тага, хостеллар эса 30 тадан 257 тага етди.



3-Расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий туристлар сони ва прогнози⁷

2022 йил давомида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 5,2 миллион нафар (йиллик режа-2,7 миллион нафар) ни ташкил этди, 2023 йилда мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристларнинг сифими 7,0 миллион нафар, 2022 йилга нисбатан 133,7 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда (3-расм).

2022 йилда туристик хизматлар экспорти 1,6 млрд. АҚШ доллар (йиллик режа-900 млн. доллар) ини ташкил этди. 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 3 баробарга ошди.



4-Расм. Ўзбекистон Республикасига 2022 йилда ташриф буюрган хорижий туристларнинг давлатлар кесимидаги таҳлили⁸

4-расмдаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, қўшни давлатлардан 4,3 млн. нафар (*умумий турист сонига нисбатан 83,4 %*) хорижий турист ташриф буюриб, туризм хизматлари экспорти 857,8 млн доллар (*54,3 %*);

қолган МДҲ давлатларидан 606,4 минг нафар (*11,6 %*) хорижий туристлар ташриф буюриб, туризм хизматлари экспорти 443,8 млн. доллар (*28,1 %*);

Узоқ хорижий давлатлардан 261,6 минг нафар (*5, %*) хорижий туристлар ташриф буюриб, туризм хизматлари экспорти 276,4 млн. доллар (*17,5 %*)ни ташкил этган.

Туристларнинг ўртача қолиш куни 4-5 кунни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври (3 кун)га нисбатан 1,5 бараварга ортди.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг берган энг охирги расмий маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, халқаро туризм 2022 йилда кутилганидан ҳам кучлироқ натижаларга эришди, бунга талабнинг ортиши ва кўплаб мамлакатларда саёҳат чекловларининг олиб ташланиши ёки юмшатилиши сабаб бўлди:⁹

- 2022 йилда 900 миллиондан ортиқ турист халқаро миқёсда саёҳат қилган, бу 2021 йилдагидан икки баравар кўп, аммо 2019 йилга нисбатан ҳали ҳам 37 фоизга кам;

- 2022 йилда халқаро туризм пандемиягача бўлган даражани 63 фоизга тиклади;

- Жаҳондаги энг йирик йўналиш минтақаси бўлган Европа 2022 йилда 585 миллион ташрифни қайд этди ва пандемиягача бўлган даражанинг қарийб 80 фоизига етди (2019 йилга нисбатан 21 фоиз). Яқин Шарқ 2022 йилда минтақалар бўйича энг кучли нисбий ўсишга эришди, келганлар сони пандемиядан олдинги рақамларнинг 83 фоизига кўтарилди (2019 йилга нисбатан 17 фоиз);

- Африка ва Америка мамлакатлари пандемиядан олдинги ташриф буюрувчиларнинг қарийб 65 фоизини тиклаган, Осиё ва Тинч океани минтақаси эса пандемия билан боғлиқ кучли чекловлар туфайли атига 23 фоизга етган;

- Субминтақаларга кўра, Ғарбий Европа (87 фоиз) ва Кариб денгизи (84 фоиз) ўзларининг пандемиягача бўлган даражасига яқинроқ бўлган;

- 2022 йилда туризм харажатларида кучли ўсиш кузатилган, натижада кўплаб йўналишларда пандемиягача бўлган даромадлар тикланган.

- 2022 йилда Яқин Шарқ минтақалар бўйича энг кучли нисбий ўсишга эришди, бунда ташриф буюрганлар сони пандемиядан олдинги рақамларга нисбатан 83 фоизга кўтарилди (2019 йилга нисбатан 17 фоиз). Минтақада ЕХРО-Дубай кўргазмаси ва Қатарда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон кубоги, шунингдек, Саудия Арабистонида кўп сонли Ҳаж зиёрати каби йирик тадбирлар кўтаринкки руҳда кутиб олинди.

Кўпгина йўналишлар бўйича халқаро туристик тушумларнинг сезиларли ўсиши қайд этилди, бир қанча ҳолларда уларнинг келиши сони кутилганидан юқори бўлди. Бу

⁸Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги маълумотлари

⁹World Tourism Barometr Volume 21. issue1. januare 2023

туристларнинг саёхат манзилида ўзоқроқ қолиш муддати, ўз манзилида кўпроқ пул сарфлашга тайёрлиги ва қисман инфляция туфайли юқори саёхат харажатлари туфайли бир туристга ўртача харажатларнинг ошиши билан қўллаб-қувватланди.

2022 йилнинг биринчи ўн икки ойи давомида бир қанча йўналишлар, жумладан Туркия (+40%), Руминия (+25%), Мексика (+13%), Португалия (+15%), Латвия (+14%), Покистон, Марокаш (иккаласи +6%) ва Франция (+1%) каби давлатларда туризмдан олинган даромадлар пандемиягача бўлган даражадан юқори бўлганини маълум қилди.

Қайта тикланишни ташқи туризмда ҳам кўриш мумкин, бунда 2022 йилнинг биринчи ўн икки ойлигида 2019 йилга нисбатан -4% Франция, Германия (-8%), Италия (-10) каби йирик манба бозорларидан кучли халқаро харажатлар кузатилган ва Америка Қўшма Штатлари (-15%) пасайиш, 2019 йилга нисбатан 2022 йилда харажатлари барқарор ўсаётган ривожланаётган бозорлар қаторига Қатар (+29%), Ҳиндистон (+10%) ва Саудия Арабистони (сентябгача +7%) кирган.

Халқаро туризм 2023 йилда, айниқса Осиё ва Тинч океани минтақасида пасайган талаб туфайли тикланишини кучайтириши кутилмоқда. Бутун жаҳон туризм ташкилотининг сценарийларига кўра, 2023 йилда халқаро сайёҳлар келиши пандемиядан олдинги рақамларнинг 80-95 фоизини ташкил қилиши мумкин. Европа 2023 йилда натижаларни келтириб чиқариши кутилмоқда, бунда келувчилар сони пандемиягача бўлган даражага етади ёки ундан ошади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг экспертлар гуруҳи томонидан ўтказилган сўрови натижалари шуни кўрсатадики, респондентларнинг 72 фоизи 2023 йилда халқаро туризм янада яхши натижаларга эришишини кутмоқда. Бироқ, кўпчилик экспертлар халқаро туризм 2024 йил ёки ундан кейинроқ ҳам 2019 йилдаги даражасига қайтмайди, деб ҳисоблашади.

Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар оқимини таҳлил қиладиган бўлсак, жадвал маълумотларидан кўриш мумкин-ки, 2018 ва 2019 йиллар мобайнида Ўзбекистонга келган хорижий туристларни ташриф буюриши юқори бўлган, 2020 йилда коронавирус пандемияси таъсир қилиб, пасайиш (21,5%), 2021 ва 2022 йиллар мобайнида ўсиш (110,7%, 192,4%) кузатилган. 2022 йил давомида мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 5,2 млн. нафар (йиллик режа-2,7 млн нафар)га етиб, 2021 йилга нисбатан 2,7 баробарга ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий туристлар оқими¹⁰

Асосий кўрсаткич номи		ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Хорижий туристлар	режа	минг нафар			5 346,0	6 041,0	7 010,0	1 700,0	2 720,0
	амалда		2 027,0	2 690,1	5 346,2	6 748,5	1 504,1	1 881,3	5 232,8
	Бажарилиши	фоиз			100,0	111,7	21,5	110,7%	192,4%

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш мақсадида Бутунжаҳон туризм ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан сўровномалар, танланма кузатувлар ҳам ўтказиб турилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Бутунжаҳон

туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан тайёрланган “Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар (2008-йил)” ва “Туризмнинг ёрдамчи ҳисоби бўйича тавсия этиладиган услубий асос” тавсияларига кўра 2022 йилнинг май-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва чиқишга оид туризм бўйича навбатдаги танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув даврида жами 12 707 нафар респондентлар, шундан, 5 897 нафари хориж фуқаролари (*экспорт хизматлари*) ҳамда 6 810 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (*импорт хизматлари*) ташкил этди.

Кузатув натижалари умумлаштирилиб, давлатлар кесимида ҳар бир ташриф буюрган хорижий туристлар (*экспорт хизматлари*) қилган ўртача харажатлари ҳисобланди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро туризм бозорларидаги иштироки бўйича берилган яна бирэнг охири расмий маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда халқаро туристларнинг келиши 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 77 фоизга, 2021 йилга нисбатан 72,1 фоизга, 2022 йилда 22,5 фоизга камайган. Аммо халқаро туристлар оқими 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 21,2 фоизга, 2022 йилда эса 2021 йилга нисбатан 178 фоизга ошган.¹¹

Туризм хизматларининг экспорти ҳам ўз навбатида 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 61,6 фоизга, 2021 йилда 32,7 фоизга камайган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 9,7 га ошганини кўришимиз мумкин. Бироқ охири икки йилда ўзгаришлар ижобий тарафга ўзгарган, яъни 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 75,4 фоизга, 2022 йилда эса 2021 йилга нисбатан 179 фоизга ошган.

Хулоса ва таклифлар

Республикамиз ҳукумати халқаро ва миллий туризмнинг ривожланишига фаол кўмаклашиб, бу соҳадаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган кўп сонли қонун ҳужжатлари қабул қилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сон, 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5781-сон, 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармонлари, шунингдек 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сон, 2022 йилдаги 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-338-сон ҳамда 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли Қарорлари бевосита замонавий туризмни ривожлантиришга бағишланган. Республика ҳукумати шу жумладан туризм соҳасида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар қабул қилди, хусусан имтиёзли кредитлаш,

¹¹World Tourism Barometr Volume 21. issue1. januare 2023

молиявий ҳисоботнинг соддалаштирилган шакли, шунингдек имтиёзли солиққа тортиш жорий этилди.

Давлатнинг самарали хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш туристик тармоқда микродаражадаги реал ишлаб чиқариш жараёнларининг таҳлили ва уларга тузатиш киритишдан келиб чиқиши лозим. Бу, бир томондан, давлат ҳокимияти органларининг эътиборини туризм муаммоларига яна бир карра қаратиш имконини беради, бошқа томондан эса, туристик хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга кўмаклашади

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш;
- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;
- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;
- туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш;
- туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;
- туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги давлат сиёсати тармоқни ривожлантиришга кўмаклашади ва туристик фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратади. Туризм соҳасида бўлғуси фаолиятнинг асосий йўналиши кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туризм замонавий индустриясини вужудга келтириш, туризмни кенг миқёсда тарғиб қилиш ва бетакрор туристик салоҳиятни яратишдир.

Шундай қилиб, республика ҳукумати туризм соҳасида назарда тутган муайян тадбирлар туристик тармоқ ички тузилмасининг ривожланиши, миллий туристик индустриянинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади ва уни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон туризм соҳасида улкан имкониятларга эга эканлигига қарамай, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг таркибида туризмнинг улуши сезиларли даражада намоён бўлмаяпти. Бунинг асосий сабаби соҳанинг ривожланишида маркетинг тадқиқотлари олиб борилмаганлиги, назария ва амалиётнинг интеграцияси тўғри йўлга қўйилмаганлигидир. Мазкур камчиликларни бартараф этиш тармоқнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 03 қарори. [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

3.Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

4.Don Tapscott, Alex Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology BehindBitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 p.

5.Paul Vigna, Michael Casey. The Age of Cryptocurrency: How Bitcoin and the Blockchain Are Challenging the Global economic Order. 2015, 384 p.

6.Carmen Babaita, Gabriela Sipos, Andreia Ispas, Andrea Nagy. Ledership style and culture for innovation in hotel industru. Economic Department-Tourism Services. West University of Timisoara, Faculty of Economics and Business Administration Timisoara Romania. 2010 y. –p 650

7.By Arturo Cuenllas.Innovation in hospitality management. Madrid. Spain. 2012 y.

8. Абдурахманов К.Х. Анализ современных инновационных подходов к управлению человеческим развитием. Научно-аналитический журнал «Наука и практика» Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. Т. 10, № 29, 2018 г.

9.А.А.Эштаев Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) И.ф.д. (DsC) диссертацияси.Самарқанд-2019.

10.Р.А.Аллаёров Ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегияси и.ф.б.ф. д. (Phd) диссертацияси.Самарқанд-2023.

11.Горбунов А.Р. Управление финансовыми потоками и организация финансовых служб предприятий, региональных администраций и банков. — М.: АНКЛ, 2000. — 111-б.

12. Норчаев А.Н. Туризмда рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш йўналишлари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнали. №2, март-апрель, 2020 йил.

13. [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

14. [www. unwto.org](http://www.unwto.org).

15. [www. uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz).